

**Самарқанд Т.**  
(контракт тузилган жой)

**19** **июль 2022**.  
(контракт тузилган сана)

Бундан бүён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи **Самарқанд вилоят саломатлини тиклаш ифохонаси** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Ф.К.Ботиров бир томондан ва бундан бүён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “Diamond builder” МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи И. Хасанов бошка томондан, ушбу контрактни күйидагилар түғрисида туздилар.

## 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қиласы ва түлайды, Етказиб берувчи эса күйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий киймати
<b>1</b>	<b>краска эмаль Hayat</b>	<b>банка</b>	<b>80</b>	<b>100 000</b>	<b>8 000 000</b>
	<b>ЖАМИ</b>				<b>8 000 000</b>

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **ҚҚС билан 8 000 000** (Саккиз миллион) сүмни ташкил қиласы.  
Шартнома суммаси **ҚҚС билан** тузилган

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичидан конунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичидан товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб берishi шарт.
- “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиши тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- Агар мазкур контракт билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиб ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.
- Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилиди.
- Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра күйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;
- етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиши.

### 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

### 3.3. Етказиб берувчи күйидаги ҳуқукларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига кўзда тутилган тартибида ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равища кабул қиласлик натижасида етказилган заарларни коплаб бериши талаб қилиш.

### 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишига йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиши.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

### 4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
- савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиши рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равища рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равища бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пена тўлайди.

### 4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда катнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайташини талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пена тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб оловчи

(буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришини талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар
- 5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгид бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт назначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил “31” дебрабречча амал қиласи**.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган хисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

DIAMAND BUILDER МЧЖ

«Буюртмачи»

Саломатликни тиклаш шифохонаси

(буюртмачи номи)

Манзил: Самарқанд ш Беруний к 45а

Тел./факс 98-1018200

(х/в ёки шфх) 20208000305054308001

Манзил: Самарқанд тумани Ўрташик қишлоқ

Тел./факс 99866 616 20 96

шфх\*100021860182337073101054001

Трастбанк Самарқанд филиали

МФО: 01097

СТИР: 306325753

ИФУТ

Ташкилотнинг СТИРи 200973422

ИФУТ

Фазначилик бўлинмасининг номи Самарқанд вилояти

**ЯФХ23 402 000 300 100 001 010**

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси  
Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг

СТИРи

Буюртмачи раҳбари Ботиров Ф.К.

(лавозими) (Ф.И.О.)

Рахбар И.Хасанов  
(лавозими) (Ф.И.О.)

(имзо)

Хуқуқшунос  
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«\_\_» \_\_ \_\_ й

Хуқуқшунос  
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«\_\_» \_\_ \_\_ й

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Самарқанд вилоят саломатликни тиклаш**  
**шифохонаси бош врачи**  
**Ф.Қ.Ботиров**

Самарқанд вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа тиббий жиҳозларни харид килиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йигилиши

Б А Ё Н И-6

2022 йил 19 июл

Самарқанд тумани

Раислик қилувчи

Бўлим бошлиғи  
Сулаймонов В.Ш

Иштирок этдилар

Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)  
Бош ҳисобчи А.Авалбоев  
Иқтисодчи Д.Убайдуллаев  
Хўжалик мудири У.Рашидов  
Бўлим бекаси Ш.Насритдинова

К У Н Т А Р Т И Б И :

Самарқанд вилоят саломатликни тиклаш шифохонасига сифатли ЭКГ аппаратини олиш бўйича  
Ш.Қобилова, У.Рашидов, А.Авалбоев, Ш.Насритдинова, Д.Убайдуллаев,

Шифохона томонидан 2022 йил 27 апрелда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига краска эмаль Hayat учун №22110012120314-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 16 июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган ЭКГ аппарати бўйича баённомасига асосан эълон якунига кура Комиссия аъзолари томонидан "DIAMAND BUILDER" МСНJ корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тугрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч кандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул килинсин.

2. Шифохона бош ҳисобчиси А.Авалбоевга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб хамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 16 июлдаги электрон баённомасига асосан голиб "DIAMAND BUILDER" МСНJ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Катта ҳамшира Ш.Қобиловага хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

В.Сулаймонов

Комиссия раиси, Бўлим бошлиғи

У.Рашидов  
А.Авалбоев  
Д.Убайдуллаев  
Ш.Насритдинова

Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси